

ТАЪЛИМДА КЕЙС ТЕХНОЛОГИЯСИ**Ахмедова Шоирахон Билалхановна**

Андижон вилояти Педагогларни янги методикаларга ўргатиш Миллий маркази Аниқ ва табиий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7440294>

Аннотация. Ушбу мақолада, бугунги кунда таълимда асосий технологиялардан бири бўлган кейс технологияси, уни лойхалаштириши, кейснинг текширилиши ва баҳоланиши, кейсларнинг синфлари, турлари, жанрлари ва тақдим этиши усуллари ҳақида маълумотлар келтириб ўтилди.

Калит сўзлар: “Кейс-стади”, Мураккаб кейс, Кейсларнинг синфлари, қозғоқ кейслар, видеокейслар, мультимедиа кейслар, тўла кейслар, қисқа кейслар, мини кейслар.

КЕЙС-ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ

Аннотация. В данной статье представлена информация о кейс-технологии, которая на сегодняшний день является одной из основных технологий в образовании, ее конструкции, кейс-анализе и оценке, занятиях, видах, жанрах и способах изложения кейсов.

Ключевые слова: «Кейс», Сложный кейс, Классы кейсов, бумажные кейсы, видео кейсы, мультимедийные кейсы, полные кейсы, короткие кейсы, мини кейсы.

CASE TECHNOLOGIES IN EDUCATION

Abstract. In this article, information about the case technology, which is one of the main technologies in education today, its design, case inspection and evaluation, classes, types, genres and methods of presentation of cases.

Keywords: “Case study”, Complex case, Classes of cases, paper cases, video cases, multimedia cases, full cases, short cases, mini cases.

“Кейс-стади” технологияси - “Инсон жамоада ёки вазиятларда узоқ йиллар давомида ўрганилиши” мавзусидаги илмий тадқиқотлар нашр этила бошланган эди. Агар иш жамоага йўналтирилган бўлса, жамоанинг хулқини ҳар томонлама ўрганади, жамоадаги ҳар бир инсоннинг хулқини эмас. Сўнгги вақтларда “Кейс-стади” методи хорижий мамлакатлар таълими амалиётида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда ва бугунги кунда республика таълимида ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Шу сабабли айни ўринда ушбу метод (технология) моҳияти ҳақида сўз юритилади. Дарҳақиқат, кейс-стади талабаларни ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади. Унинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади.

“Кейс-стади” технологияси дастлаб 1870 йилда АҚШнинг Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида таълим жараёнида қўлланилган. Ушбу технология Гарвард университетининг бизнес мактабида 1920 йилда қўлланила бошланган. Кейсларнинг илк тўплами 1925 йилда бизнес ҳақидаги Гарвард университети ҳисоботлари асосида чоп этилган. Ҳозирда технология хорижий мамлакатларда иқтисодиёт, бизнес соҳаларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистонда мазкур технологияни таълим жараёнига татбиқ этиш йўлидаги ҳаракатлар мустақиллик йилларида фаоллашди.

Таълимда қўлланиладиган “Кейс-стади” нинг тайёр вариантлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни сотиб олиш мумкин. Бироқ, энг самарали йўл ҳар бир фан бўйича

кейсларнинг мустақил яратилишига эришишдир. Биргина Гарвард университетиди йилига 700 та кейс ишлаб чиқилади. Уларнинг нархи 10 \$. Аммо баъзи кейсларнинг нархи 500 та 1000 \$ гача. Лондон бизнес мактаби ва бошқа бизнес мактаблар ўзларида 340 нафарга яқин иштирокчиларни бирлаштирган ҳолда кейсларни яратиш билан шуғулланади. Технология талабаларда предметни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни, амалий кўникмаларни, вазиятни таҳлил қилиш ва тўғри қарор қабул қилишга нисбатан ижодий ёндашиш малакаларини ривожлантиради, турли муаммоли вазиятлар ва уларни ҳал қилиш асосида улар томонидан билимларнинг фаол ўзлаштирилиши учун имконият яратади.

“Кейс-стади” технологияси (ингл. “case” – чемадан, метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) – 1) талабаларда аниқ, реал муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология;

2) реал вазиятларни баён этишда қўлланиладиган ўқитиш техникаси

Кейс – технологиясини лойиҳалаштириш. Ўқитувчи ҳаракатларининг изчиллиги:

- ишчи дастури асосида ўқув машғулоти шакли, тури ва вақтини белгилайди (амалиймашғулот/мустақил иш/ ўқув амалиёти);
- ўқув машғулоти мақсадини ойдинлаштиради, ўқув машғулотидан кутиладиган натижалар ва педагогик вазифаларни белгилайди;
- таълимнинг оптимал моделини (белгиланган вақтда ва қарор топган шароитларда қўйилган мақсаднинг амалга оширилишини ва прогноз қилинадиган ўқув натижаларига эришишни кафолатлайдиган оптимал таълим методлари, шакл ва воситалари мажмуи) нитанлайди.

Технологиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Таҳлил кўникмалари ва танқидий тафаккурни ривожлантириш.
- Назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш.
- Муаммо юзасидан турли қарашлар ва ёндашувларни намоёйиш қилиш.
- Қарорлар қабул қилиш ва унинг оқибатларига доир мулоҳазаларни тақдим этиш.
- Ноаниқликлар мавжуд бўлган шароитда муқобил вариантларни баҳолаш кўникмаларини шакллантириш.

Кейснинг текширилиши ва баҳоланиши. Яратилган кейс эксперт текширувидан ва баҳосидан ўтиши керак. Қуйидагилар текшириш усуллари бўлиши мумкин:

✓ Кейс лойиҳасининг корхона ходими томонидан кўриб чиқирилиши ва унда баён қилинган ахборотнинг реал вазиятга мувофиқ келиши, шунингдек келтирилган фактлар талқини ва шу кабиларнинг текширилиши.

✓ Экспертлик баҳоси ва ҳамкасблар фикрлари, ўқитувчи-кейсологнинг кейснинг таълимдаги қиммати хусусидаги фикри, уни текширишнинг иккинчи усулидир.

Кейснинг педагогик паспорти:

- Педагогик аннотация;
- Кейс;
- Таълим оловчига услубий кўрсатмалар;
- Ўқитувчи-кейсологнинг кейс ечими бўйича варианты;

Ўқитишнинг кейс технологияси Кейс технологиясини амалга оширишда ўқитувчи фаолиятининг босқичлари:

- ✓ тайёргарлик босқичи;
- ✓ асосий босқич: кейс технологиясини амалга ошириш таҳлилий, баҳоловчи босқич.

“Кейс-стади” ёрдамида талабалар эгаллайдиган билим, кўникма, малакалар ҳақида “Кейс-стади” ёрдамида талабалар қуйидаги кўникма, малакаларга эга бўлади:

Таҳлилий кўникмалар (маълумотларни ахборотлардан ажрата олиш, уларни туркумлаштириш, маълумотларни зарур ва нозарурга ажратиш, таҳлил қилиш, тақдим этиш; бунинг учун шахс аниқ, мантиқий фикрлай олиши керак).

Амалий кўникмалар (муаммонинг мураккаблигидан келиб чиқиб, реал вазиятни таҳлил қила олиш, энг муҳим назария, метод ва тамойилларни қўллаш билиш).

Ижодий кўникмалар (бунда мантиқийлик асосида вазият (муаммо)ни ечиш муҳим эмас, балки ижодий ёндашув асосида муаммонинг бир неча ечимларини топиш ва уларни таҳлил қилиш талаб этилади).

Мулоқот кўникмалари (унга кўра талаба баҳс-мунозара олиб бориш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, қарорига бошқаларни ишонтириш, жуда қисқа ва ишонарли ҳисоботни тайёрлаш кўникмаларини ўзлаштира билиши зарур).

Ижтимоий кўникмалар (қарорни муҳокама қилиш жараёнида талабалар бошқаларнинг хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш, бошқаларни тинглай билиш, баҳсда ўзгаларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаш, илгари сурилган фикрга қарама-қарши фикрни билдира олиш ва ўзини бошқара олиши лозим).

Ўз-ўзини таҳлил (баҳс-мунозара жараёнида ўзини тута билиши, бошқаларга намуна бўлиши муҳим)

Ҳар ўқитувчи кейс-стадига асосланган ўқув топшириқларининг пухта асосланишига эриша олиши лозим. Кейс топшириқларининг амалий- дидактик характерга эга бўлиши учун уларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш талаб этилади:

- ✓ мақсад аниқ ифода этиш (мақсад икки хил (ёки ундан ортиқ) тушунилмаслиги;
- ✓ савол ёки топшириқлар маълум даражада мураккаб бўлиши;
- ✓ ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётнинг бир неча жиҳатини ёрита олиши;
- ✓ тезда ўзининг амалий аҳамиятини йўқотмаслиги;
- ✓ миллий хусусиятларни ўзида намоён эта олиши;
- ✓ таълимнинг барча йўналиш ёки соҳаларига оид типик вазиятларни ифодалаши;
- ✓ долзарб аҳамиятга эга бўлиши;
- ✓ талабаларда таҳлилий тафаккурни ривожлантириши;
- ✓ баҳс-мунозарани ташкил этиш имкониятини яратиши;
- ✓ бир неча ечим (қарор)ни илгари суриш имкониятини таъминлай олиши.

Талабалар томонидан кейсни ечиш босқичлари. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, агар талабаларнинг кейсни ҳал этиш технологияси икки босқичдан иборат бўлса, таълимий мақсадларга эришишда янада кўпроқ самарага эришиш мумкин:

- *Биринчи босқич* – кейсни ҳал этиш бўйича индивидуал (аудиториядан ташқари) иш.
- *Иккинчи босқич* – кейс билан биргаликда жамоа бўлиб (аудиторияда) ишлаш.

1-жадвал

Талабалар томонидан кейсни ечиш босқичлари

Кейсни ечиш натижаларини кичик гуруҳлар томонидан тақдимотини ўтказиш:

Биринчи босқич – кейсни ҳал этиш бўйича индивидуал иш	Иккинчи босқич – кейс бўйича жамоа бўлиб ишлаш
Талаба мустақил равишда	Талабалар кичик гуруҳларга бўлиниб, биргаликда кейс устида ишлашади
1) кейс материаллари билан танишади	1) гуруҳ аъзоларининг вазият, асосий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақидаги турли тасавурларини мувофиқлаштиришади; энг мақбул вариантни танлашади;
2) тақдим этилган вазиятни ўрганади, изоҳлайди ва асослайди;	2) ечимнинг таклиф этилган вариантларини муҳокама қиладилар ва баҳолайдилар, қўйилган муаммо нуқтаи назаридан ушбу вазият учун
3) муаммо ва муаммо ости муаммоларни ажратади, вазиятни тадқиқ ва таҳлил қилиш усулларини танлайди;	3) муаммоли вазият ечимига олиб келадиган танланган ҳаракатлар йўлини амалга оширишнинг аниқ кадамба-кадам дастурини батафсил ишлаб чиқадилар;
4) берилган амалий вазиятни таҳлил қилади; ажратилган муаммони ҳал этиш усуллари ва воситаларини белгилайди ва асослайди;	4) тақдимотга тайёрланадилар ва намойиш этиладиган материални расмийлаштиришади.
5) таклиф этиладиган қарорни амалга ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади.	

- реал вазият ечимига доир ўз вариантларини тақдим этадилар;
- танланган ҳаракатлар йўлини изоҳлайдилар ва ечимнинг тўғрилигини асослайдилар;
- бошқа гуруҳ аъзоларининг саволларига жавоб берадилар ва ўз таклифларини асослайдилар.

Жамоа бўлиб кейс устидан ишлаш:

- ✓ гуруҳлар таклиф этган ечимлар вариантларининг муҳокамаси;
- ✓ таклиф этган ечимларнинг ўзаро баҳоланиши;
- ✓ таклиф этилган ечимларнинг ҳаётийлиги ва амалга оширилиши мумкинлигига биргаликда (талабалар ва ўқитувчи) баҳо берилиши ҳам мумкин.

Кейсларнинг синфлари турлари, жанрлари ва тақдим этиш усуллари

Кейсларни синфларга ажратиш турли усулларда бўлиши мумкин. Жумладан, кейслар мақсад ва ўқитиш жарёнининг вазифалари, тузилиши, ифодалаш шакли, ўлчами,

мураккаблик даражаси, фанлар, компания турлари, худудлар ва бошқа томонлари бўйича синфларга ажратилади.

Мақсад ва ўқитиш жараёнининг вазифалари бўйича: намунали ва намунали бўлмаган муаммоларни ечишга ҳамда қарор қабул қилишга ўргатиш; вазият тамойиллари таҳлили ва баҳолашга ўргатиш, аниқ услубиётни, ёндашувни аниқ мисолда қўллашни, ечимни ёки умуман концепцияни намоёни қиладиган турларга ажратиш мумкин.

Кейс синфлари шартли равишда икки: “далали” ва “ўриндикли” туларга ажратилади. Уларнинг биринчиси ҳақиқий омилли материалларга асослаган ҳолда, иккинчиси эса ҳаёлий яратилган бўлиши мумкин.

Тузилиши бўйича: тузилмани кейслар – аниқ рақам ва маълумотли вазиятни қисқава аниқ баён қилиш. Бундай турдаги кейсларга аниқ сондаги аниқ жавоблар мавжуд. Улар аниқ билимлар соҳасидаги битта формула, кўникма, услубни, билим ёки кўникмани баҳолаш учун фойдаланишга мўлжалланган.

Катта тузилмага эга бўлмаган кейслар. Улар катта миқдордаги маълумотлага эга бўлган материалларни ифодалайди, фикрлаш услуби ва тезлиги, асосийни иккинчи даражаликдан ажратиш кўникмаси ва аниқ иш соҳасидаги малакаларни баҳолаш учун мўлжалланган. Улар учун бир неча тўғри жавоб вариантлари мавжуд.

Дастлабки очилган кейслар жуда қисқа шунингдек, жуда узун ҳам бўлиши мумкин. Бундай кейслар ўқувчи ностандарт фикрлаши, ажратилган вақтда қанча креатив ғоялар бериши мумкинлигини кўриш имкониятини беради. Агар гуруҳий ечим бўлаётган бўлса, у ҳолда у “бегона фикрни илғай оладими, уни ривожлантира ва амалиётда фойдалана оладими” деган саволга жавоб беради.

Кичик хомакки ёзувлар – асосий тушунчалар билан таништиради, билимлари тор соҳада (ўрганилаётган фаннинг бўлимида) қўллашни талаб этади.

Ифодалаш шакли бўйича: қоғоз кейслар, видеокейслар, мультимедиа кейслар.

Ўлчами бўйича: тўла кейслар (ўртача 20-25 бет) бир неча кун мобайнида жамоа бўлиб ишлашга мўлжалланган ва, одатда, ўз ечимининг тақдимотини жамоавий ишлаб чиқишга қаратади; қисқа кейслар (3-5 бет) бевосита дарсда ишлашга мўлжалланган ва умумий мунозара, деб қаралади. Мини кейслар (1-2 бет) қисқа кейслар каби аудиторияда муҳокама этишга мўлжалланган ва қисман дарсда бериладиган назарияга кўргазма сифатида қўлланилади.

Мураккаблик даражаси бўйича: мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари учун, бошланғич синф ўқувчилари учун, умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари учун кейс, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари учун кейс, бакалаврлар учун кейс, магистрлар учун кейс, MBA дастури учун кейс, илмий тадқиқотчилар учун кейс бўлиши мумкин.

Фанлар бўйича: бухгалтерия ҳисоби ва назорат; тижорат ва давлатлараро муносабатлар; рақобатли стратегиялар; тадбиркорлик; молия; менежмент; бошқарув; ташкилий хулқ ва сардорлик; кичик ва ўрта бизнес, хизматларни бошқариш; тижорат, педагогика ва бошқалар.

Тармоқ бўйича: ТНК (трансмиллий корхона) кейслари, худудий катта тижорат ҳақидаги кейслар; кичик ва ўрта бизнес ҳақидаги кейслар.

Худудлар бўйича: Шимол-Америка кейслари, Европа кейслари, ривожланаётган давлатлар ҳақидаги кейслар ва иқтисодиётни ўтиш давридаги давлатлар ҳақидаги кейслар.

Кейсларни синфларга ажратишда кенг фодаланилаётган ёндашувлардан бири уларни мураккаблиги бўйичадир. Ана шундай томонлари бўйича куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин

1-жадвал

Кейсларнинг синфлари

Ўқув кейслар	вазиятлари-	Мақсади
Иллюстратив		Аниқ бир амалий мисолда талабалар аниқ бир вазиятда тўғри қарор қабул қилиш алгоритмига ўргатилади
Муаммо ифодаланган		Аниқ вақт мобайнидаги вазият тавсифланади, муаммо аниқланади ва аниқ ифодаланади
Муаммо ифодаланмаган		Олдинги вариантдагига қараганда, мураккаброқ вазият тавсифланади, унда муаммо аниқланмаган бўлиб, статистика маълумотларда, жамоат фикри, ҳокимият органлари ва бошқаларнинг баҳоси орқали тақдим этилади
Амалий машқлар		Аниқ пайдо бўлган вазият тавсифланади, ундан чиқиш йўлларини топиш тавсия этилади. Бундай кейсларнинг мақсади – муаммони ечиш йўлини излашдан иборат

Ўқув материалнинг характеридан келиб чиққан ҳолда оддий, мураккаб таркибий тузилишга эга бўлмаган, яъни мини тестлардан ҳам фойдаланиш амалий қийматга эгаллиги таълим амалиётида ўз тасдиғини топган. Айтиб ўтилганидек, хорижий мамлакатлар катта ҳажмли, мураккаб илмий-тадқиқот характерига эга кейслар кўп қўлланилади ва уларни ҳал этиш бутун бир семестр, ҳатто ўқув йили давомида амалга оширилади. Ўзбекистон шароитида ҳам ушбу кейслардан самарали фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга ўрганилган мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида кичик ҳажмли, содда – мини кейслардан ҳам фойдаланиш фойдадан ҳоли эмас. Мураккаб ва оддий мини кейслар ўртасидаги энг муҳим фарқлар – уларнинг ҳажми, мураккаблик даражаси ва таркибий тузилмасида акс этади.

Мураккаб кейс (муаммоли вазият)лар куйидаги таркибий тузилмага эга бўлади:
Педагогик аннотация.

Кириш.

Кейс (муаммо)нинг баёни.

Кейс (муаммо)ни ечиш юзасидан топшириқ (ёки савол)лар.

Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати.

Методик кўрсатмалар.

Кейсни ечиш жараёни (таҳлил ва ечим вариантларини илгари суриш, вариантлар мақбуллигини текшириш).

Кейс ечими бўйича тақдимотни ташкил этиш.

Кейс ечимини таҳлил қилиш.

Ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими.

Мини кейслар учун куйидаги таркибий тузилмага эгаллик характерлидир:

Кейс (муаммо)нинг баёни.

Кейс (муаммо)ни ечиш юзасидан топшириқ (ёки савол)лар.

Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати.
 Методик кўрсатмалар.
 Кейсни ечиш жараёни (таҳлил ва ечим вариантларини илгари суриш, вариантлар мақбуллигини текшириш).
 Кейс ечими бўйича тақдимотни ташкил этиш.
 Кейс ечимини таҳлил қилиш.
 Ўқитувчи (кейсолог)нинг. ечими
 Кейс методини амалга ошириш босқичлари:
 билан танишув;
 асосий муаммони ажратиб олиш;
 ғоялар кейс йиғиш ва излаш;
 кейс ечимини тавсия қилган ғояларни таҳлил қилиш;
 кейс ечими ва тавсиялар.

1-жадвал

Кейслар типологияси

Типологик белгилари	Кейс тури
Асосий манбалари бўйича	<u>Бевосита объектда</u> <u>Таълим жараёнида</u> <u>Илмий-тадқиқотчилик фаолиятида</u>
Сюжет мавжудлиги	<u>Сюжетли</u> <u>Сюжетсиз</u>
Вазият баёнининг вақтдаги изчиллиги	<u>Ўтмиш ва бугун</u> <u>Аввал бўлиб ўтган воқеа</u> <u>Истиқболга йўналтирилган</u>
Кейс объекти	<u>Алоҳида объектга</u> <u>Ташкилий</u> <u>Кўп объектли</u>
Материални тақдим этишусули	<u>Ҳикоя</u> <u>Эссе</u> <u>Таҳлили маълумот</u> <u>Журналистик</u> <u>Ҳисобот</u> <u>Очерк</u> <u>Фактлар мажмуи</u> <u>Статистик материаллар</u> <u>Ҳужжатлар</u>
Ўқув топшириғини тақдим этиш усули	<u>Саволли</u> <u>Топшириқ тарзида</u>
Дидактик мақсадлари	<u>Муаммо, ечим, концепция</u> <u>Бирор мавзуга бағишланган тренинг</u> <u>Таҳлил ва баҳолов</u>

	Муаммони ажратиш, ечиш, бошқарувга доир қарорлар қабул қилиш
Такдим этиш усулига кўра	Босма Электрон Видео-кейс Аудио-кейс Мультимедиа-кейс

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
4. Каримов И.А. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 5-7- бет.
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик– ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи // Халқ сўзи газетаси 2017 йил 16 январь, №11
7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь- Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 48-б.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган.-Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 488-б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев. - 2021 йили 1-октябрь — “Ўқитувчи ва мураб-бийлар куни” га бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи.
10. Очилов М. , Очилова Н. “Ўқитувчи одоби”. - Т.: “Ўқитувчи”, 1997, 6-бет.
11. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Т.: “А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашри”, 1993, 122-бет.
12. Беруний. Танланган асарлар. 1 жилд, - Тошкент, “Фан”, 1968, 106-бет.